O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N



# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 26 июнь, № 123 (4276) Сешанба




***Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаган, ростлаётган муҳташам спорт иншоотлари борки, улар ўзбекистонликман, деган кишига чексиз фахру ифтихор бахш этади. Энг муҳими, бундай иншоотлар маҳаллаларда, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам қурилиб фойдаланишга топширилаяпти. Буларнинг замирида миллат саломатлигини мустаҳкамлаш фалсафаси мужассам. Шунинг учун бўлса керак, спорт, ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётир. Бу ҳақиқатга Тошкент шаҳрида тўрт кун давомида ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами ҳукмронлик қилган "Универсиада — 2007" ўйинларида иштирок этиб яна бир карра амин бўлдик.***



# «УНИВЕРСИАДА» — ЁШЛАР МАҲОРАТ МАКТАБИ

Асосийси, бу сафар ҳам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларининг самарадорлиги яна бир бор намойиш этилди. Мазкур узлуксиз спорт мусобақалари нафақат қизғин беллашувлар асосида ўтгани, балки Ватанимиз ёшларини дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбия қилаётганлиги билан янада аҳамиятлидир. Иштирокчилар Шарқ ва замонавий шаҳарсозлик анъаналари уйғунлашиб кетган азим пойтахтимизнинг сўлим гўшалари, обидаларида гўзаллик ва улуғворликни қадрлаш, асраб-авайлашни кўнгилларга жо этдилар.

Дарҳақиқат, Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодни она юртига муҳаббат, киндик қони томган тупроққа садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораё-




тир. Бир сўз билдан айтганда, эндиликда иштирокчи ёшларнинг қизиқиши кундан-кунга ортиб бораётган ушбу спорт ўйинларининг яхлит механизми яратилди. Ёшларни қамраб олиш даражаси ҳам кенгаймоқда. Иштирокчилар орасида қизлар сони ошиб бораётганлиги ҳам қувонарлидир.

21-24 июнь кунлари бўлиб ўтган "Универсиада — 2007" мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган икки минг нафарга яқин ёшлар спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашдилар. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро Олимпиада анъаналари руҳи остида ўтказилди. Ғолибларга 200 дан зиёд медаллар тўплами берилди.

Яна бир муҳим жиҳати, уч босқичли спорт ўйинлари финали қайси вилоятда ўтказилиши мўлжалланса,

(Давоми 4-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур қўмита раиси Х.Дўстмуҳамедов бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, республика, вилоят, туман ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, унинг муҳтож тоифаларига, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи изчиллик билан амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар тарғиботида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши қайд этилди. Оммавий ахборот воситалари Ижтимоий ҳимоя йилининг мақсад ва вазифалари ҳамда аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш, давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг жойлардаги изчил ижросини ёритишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида ўтган ушбу тадбирда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросига оид ишлар кўламини янада кенгайтириш ва ушбу мавзуда тайёрланаётган материалларнинг сифат ва савиясини янада юксалтириш борасида фикр алмашилди.

(ЎзА).




***Деҳқонобод ва Бойсун туманлари ҳудудини баланд тоғлар ажратиб туради. Дарёларнинг суви ҳам тоғ чўққиларидан икки томонга бўлиниб оқади. Лекин Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг бу икки тумани аҳолисининг ҳаёти, турмуш тарзида ўхшашликлар кўп. Урф-одатлари бир хил. Ҳар икки элда ҳам қўлига дўмбира олиб, достону термалар айтадиган бахши шоирлар бисёр. Уларнинг ҳаммаси ўзи туғилиб ўсган гўшанинг, баланд тоғлару қир-адирларнинг мафтуни. Тўй-ҳашамларда, гурунгларда бахшилар сўзни, албатта, шундан бошлайди.***

# БУНЁДКОРЛАРНИНГ ЎЧМАС ДАСТХАТИ



Бугун тоғлар орасидаги мазкур гўшада ҳаёт янгича мазмун касб этмоқда. Бир вақтлар тулпорларнинг туёғидан ларзага келган тоғлар орасини қудратли тепловозлар наъраси қопламоқда. Даraларни гумбурлатиб поезд ўтаяпти. Автомашиналар зўриқиб кўтариладиган «Чакчак» довонига кўп вагонли поездлар бемалол чиқиб бораяпти.

Биз, бир гуруҳ темирйўлчилар ва журналистлар қурилиши давом этаётган участкалардаги иш билан танишиш учун «Қарши» вокзалидан махсус поездда йўлга чиқдик. «Тошгузар» станциясида йўл иккига ажралди. Бундан буёғи янги йўл. Авваллига йўлнинг янгилиги ҳам билинмади. Икки томонда Ғузор яйловлари ястаниб ётибди. Бўлиқ ўт-ўланни оралаб сурув-сурув қўйлар юрибди. Қирнинг бошида отарни кузатиб турган чўпон йигитлар поездга ҳайрат ва ҳавас билан қарашади. Қўй-қўзилар эса бир маромда олға интилаётган тепловознинг шовқинига ҳам, ғилдиракларнинг тарақа-туруқига ҳам парво қилмай, ўтлаш билан овора. Чунки темир йўл изларидан, қурилиш материаллари ортилган ишчи поездлар кўп ўтади. Пассажир поездлари юришига эса ҳали бироз вақт бор. Фақат бирор-бир тадбир муносабати билан меҳмонлар ва мутахассислар янги йўлдан поездда боришади.

Биз ўтирган поезд янги темир йўл қурилишининг 91-километрида тўхтади. Йўлйўлакай ҳамроҳларимиз — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси матбуот хизматининг раҳбари Сувонқул Рустамов бизни темир йўл қурилишининг бориши, энг муҳим участкаларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириб борди. Бу ерда амалга оширилган ишларнинг ҳаммасига ҳам «мисли кўрилмаган» сўзлари қўшиб айтилади. Қуриб битказилган 32 та темирбетон кўприкни айтасизми, узунлиги 85 метр бўлган «Тангимуш» ёпиқ галереясини тилга оласизми?! Буларнинг ҳаммаси — тоғлар

(Давоми 2-бетда).

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, лицензиялаш ва сертификатлаштириш тартиби янада соддалаштирилмоқда.

# МАҲСУЛОТИНГИЗ СЕРТИФИКАТЛАНГАНМИ?

Бу борада айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, божхона ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, Санитария-эпидемиология маркази ва "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма семинар ушбу қарорлар талаблари ижросига бағишланди.

Таъкидландики, маҳсулот сифатини сертификатлаштириш товар ва хизматлар бозорига маҳсулотлар киришини жадаллаштириб, харидорнинг унга бўлган ишончини қозонишга хизмат қилади.

Анжуманда соҳа вакиллари томонидан тадбиркорлик фаолияти учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар, лицензиялаш ва сертификатлаштиришдаги янгиликларни кенгроқ тарғиб қилиш, тушунтириш ишлари кўламини ошириш кераклиги қайд этилди. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш бўйича келишиб олинди.

С. РАҲМОНОВ.

# ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПДИ

▼ Фахр

Президентимизнинг Наманган ва Андижон вилоятларига ташрифи, жойларда бўлиб ўтган самимий учрашувлар ва очиқ суҳбатлар чоғида давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, кўрсатма ва йўл-йўриқлар менинг ҳам қалбимдан чуқур жой олди. Айниқса, бунёдкорлик ишлари, янгиликларга дадил қўл уришлари, азму шижоати билан барчани мамнун этаётган андижонликларга берилган баҳо мени ғоят тўлқинлантириб юборди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бироз кечроқ бўлса-да, вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик жадал ривожланмоқда. Бошқача айтганда, Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди, — деб таъкидлади Президентимиз Олтинкўл туманидаги учрашувда. Бугунги кунда вилоятимизда 16 минг 193 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти.

Жорий йилда андижонлик деҳқонлар 453,7 минг тонна ғалла етиштириш йўлида меҳнат қилмоқдалар. Ана шу шартнома мажбуриятларини бажаришда фермерларнинг ҳиссаси катта бўлади, албатта. Бизнинг фермер хўжалигимиз 22 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан сара дон олишга эришди. Зиммасидаги шартномани адо этган фермерлар сони кун сайин кўпаймоқда.

**Рашидбек МАМАДАЛИЕВ,**
**Пахтаобод туманидаги «Нур-агро» фермер хўжалиги раҳбари.**

# САМАРА — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан ернинг ҳақиқий соҳиблари — фермерларга боғлиқ. Агар улар, Юртбошимиз таъкидлаганидек, шартнома ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан қонун даражасига тенг ҳужжат эканини доимо ёдда тутсалар, пахта ҳирмони тобора юксалаверади. Биз эса унинг толасидан янада кўпроқ ип-калава ишлаб чиқараверамиз.

Ҳозирги кунда жамиятимизда 25 тонна тола қайта ишланмоқда. Ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилаётганлиги эса, ўз навбатида, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаётир. Бир қатор Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Россия сингари мамлакатлар маҳсулотларимизнинг асосий харидорлари эканлиги бунинг яққол исботидир.

**Ҳайитбой АБДУЛҲАКИМОВ,**
**Балиқчи туманидаги «Алишер Навоий» акциядорлик жамияти раиси.**

# АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ САДОҚАТИ, ФИДОЙИЛИГИ ВА ҚАТЪИЯТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 21 июнь куни Андижон вилоятига сафари республикамиз ва чет эл босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.***

Жумладан, «Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон» канали телерепортажи асосида тайёрланган хабарида Президент Ислом Каримов Андижон вилояти фермерлари билан учрашувда 2005 йилда содир этилган Андижон воқеалари бутун халқ учун синов бўлгани ҳақида гапиргани ва қатъият кўрсатгани учун андижонликларга миннатдорлик билдиргани тўғрисида ёзади. «Би-би-си мониторинг» Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра «андижонликлар ўша синов вақтида турли ёлғонларга, қўпорувчилик ҳаракатларига қарши туриш асносида юксак матонат кўрсатиб, рўй берган воқеалар ҳақида ўз фикрларига эга бўлганини» таъкидлайди.

Шунингдек, «Би-би-си мониторинг» Ўзбекистон Президентининг андижонликларга айтган қуйидаги сўзларига эътиборни қаратади: «Бу халқимиз учун синов бўлди. Сиз «Биз бундай қўпорувчилик ишларида қатнашмаймиз. Биз ўзимизнинг қатъий позициямизга эгамиз» деб, ўз садоқатингиз, фидойилигингиз ва қатъиятингиз билан ушбу синовдан мардонавор ўтдингиз. Сиз «Биз киммиз?» деган саволга жавоб бериб, шубҳага борганларни тўхтатиб қолдингиз. Энди, маълум вақт ўтгандан кейин, ҳаммамиз яхши биламизки, ана шу қатъият нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолишга ёрдам берди».

(ЎзА).

# ХАРИДОР КЎНГЛИГА ЙЎЛ

***Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

▼ Қарор ва ижро

Ўтган йилнинг ўзида аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 19,3 фоизга ортгани, соҳанинг республикамиз ялпи миллий маҳсулотидаги улуши 39,5 фоизни ташкил қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида 137 минг янги иш ўрни яратилди. Татбиқ этилаётган дастурларда 2010 йилга бориб хизматлар соҳасининг мамлакатимиз ялпи миллий маҳсулотидаги ҳиссасини 49 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунда савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги хизматларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда шаҳар ва қишлоқларимизнинг қайси кўчасига кирманг, қатор савдо, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига кўзингиз тушади. Чин савдогар савдо маданиятини мукаммал эгалламоғи жоиз. Бу эса савдо ходимидан катта меҳнат ва масъулият талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 23 февралдаги «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма беш йил муддатга мулк солиғидан, уч йил муддатга ялпи даромад солиғидан озод қилинди. Бўшаган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

(Давоми 2-бетда).




# Саховатпешалар бор бўлсин!

Сайхунобод туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида фермерлар 40 та кам таъминланган оилага бепул сигир олиб бердилар. Шу қишлоқлик саховатпеша она Рўзибуви Ниёзованинг Ҳаж зиёрати учун жамғарган пули ҳисобига эса 2 та кўчада яшовчи аҳоли ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Б.БЕКМУРОДОВ.

